ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН** УЧУН!

5-dekabr
2024-yil 49 (1 099)

O‘ZLIDEP

AXXRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ, ЖАМИЯТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Конституция – тирик ҳужжат! Ҳужжат бўлганда ҳам оддий ҳуқуқий ҳужжат эмас, у ҳаёт воситасидир. Демократик жамиятнинг тамал тоши бўлган ушбу қомус замон билан ҳамнафас одимлаши, ўзгарувчан даврнинг эҳтиёжларига мослашиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳам давлатчилик, маданий-ижтимоий, маънавий-маърифий, сиёсий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида ҳар бир фуқарога тенг мақом ва имкониятлар тақдим этаётган замонавий, жонли ҳужжат сифатида эътироф этиш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг O‘zLiDeP фракцияси аъзолари рақамли асрда Конституциянинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги мустаҳкам асоси ва халқ вакиллари олдига қўядиган талаблари хусусида фикр юритмоққа жазм этганлар. Қуйида уларнинг бу борадаги мулоҳазалари билан танишасиз.

2-3

O‘zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O‘ZLIDEP ФРАКЦИЯСИДА КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 32 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН “КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

– Бош қомусимиз миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, шу кунга қадар эришган барча ютуқларимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади, – деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Хаитов.** – 2023 йил 30 апрель куни ўтган референдумда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. “Инсон – жамият – давлат” тамойили устувор қўйилиб, инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар сони 3,5 баробар оширилди. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари кенг кўламли масалаларни қамраб олган меъёрлар билан янада мустаҳкамланди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга асосан Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган янги институтлар амалиётга татбиқ этилди. Шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш бўйича парламент қуйи палатасига аниқ ваколатлар белгиланди. Бу эса депутатлар корпуси фаолиятига янгича мазмун-моҳият олиб кирди.

Тадбирда сўз олганлар шу йил 27 октябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар сайлови ҳам айнан янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ, янгича – мажоритар ва пропорционал сайлов тизими тартибида ташкил қилинганини қайд этдилар. Қонунчилик палатасининг ваколатлари кенгайгани, парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, қонунчилик таклифларини илгари суриш тартиби, қонунларни қабул қилиш жараёни такомиллашгани эътироф этилди.

Фракция аъзолари янги таҳрирдаги Конституцияда O‘zLiDeP электорати бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатига хизмат қиладиган янги нормалар акс этганига урғу беришди. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти кафолатларини кучайтириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, адолатли солиқ тизимини йўлга қўйиш, монополистик фаолиятни чеклаш орқали том маънода эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барқарор асос яратилди.

– Асосий қонунимизда мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқлар таъминланишининг давлат томонидан кафолатланиши, мулкий ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши мустаҳкамланди, – деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Наргиза Саломова.** – Товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланди. Бу эса иқтисодиёт барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларнинг эркин фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Тадбирда янги таҳрирдаги Конституцияни изчил амалга ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокама қилиниб, бу жараёнда фракция олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ, ЭНГ САЛОҲИЯТЛИ ТАДБИРКОР

4

Сиёсий кучнинг аъзолари қанча билимли, тадбирли, маданиятли кишилардан иборат бўлса, имконияти ҳам шунча кенг ва халқчил бўлади. Бундай электорат билан партия халқ орасида янада танилади, мақсадларини амалга оширишда қийналмайди.





6

НАИМ КАРИМОВ:

ҚАТАҒОН ХАЛҚИМИЗНИ ҚЎРҚОҚ ҚИЛИБ ҚЎЙГАНДИ

...одамзодда ҳасад деган бир ёмон иллат бор. Мана шу ҳасад кўпинча одамзодни шайтон измидан юришга мажбур этади. Ойбек домланинг даврасида у кишига ҳасад қиладиган шоир-ёзувчилар оз бўлмаган бўлса керак.

“XXI asr”
ijtimoiy-siyosiy gazetasi
БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!



Обуна
индекси – 406
Мурожаат учун телефон:
71 255 68 50

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.
Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси.



Шуҳрат ШАРАФУТДИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси раҳбари ўринбосари

Бош мезон инсон қадри учун тамойилидир!

Конституция бу мамлакатларнинг виждони, келажакка қаратилган умид чироғи, адолат учун йўл-йўриқ ҳамда эркинлик ва демократияга умумий садоқат рамзидир.

Бугунгидек ёдимда, тантанавор руҳда 2023 йил 30 апрель куни умумхалқ иродаси билан Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинган эди. Унинг амалга татбиқ этилиши ортидан мамлакатимизда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадларни кўзлаган туб ислоҳотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий макон яратилди.

Конституциямизнинг қабул қилиниши билан боғлиқ жараёнларга назар ташлайдиган бўлсак, таъкидлашимиз керакки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг асл ташаббускори ва ижодкори бу – Ўзбекистон халқи!

Яхши эслаймиз, давлатимиз раҳбарининг халқимиз билан кўп сонли учрашувлари давомида мамлакатимизни равнақ топтириш, инсон ва унинг ҳаёти, шаъни, эркинлиги олий қадрият эканлигини мустаҳкамлаш борасида кўплаб таклифлар, фикрлар билдирилган. Шундан келиб чиқиб, 2021 йилда Президент томонидан ушбу ҳаётий қоидаларни Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаш ғояси илгари сурилган эди.

Халқимиз хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, O‘zLiDePнинг қуйи палатадаги фракцияси томонидан 2022 йилнинг май ойида янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш ташаббуси кўтарилди. Натижада “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия” тузилди.

Шундан сўнг, давлатимиз раҳбарининг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак” деган тамойил асосида янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси тайёрланди ва умумхалқ муҳокамаси ўтказилди.

“Инсон – жамият – давлат” тамойили асосида шакллантирилган Конституцияда фуқароларнинг иқтисодий, хусусий мулкчилик, молиявий эркинлик ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди. Жумладан, давлат тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни, шарт-шароитларни таъминлаши, иқтисодий фаолиятда инсофсиз рақобатга, монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги белгиланди. Қолаверса, тадбиркорлар қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, ўз фаолиятининг йўналишларини мустақил танлашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли эканлиги, шу билан бирга ер ҳам хусусий мулк бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Конституциянинг 67-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланишига оид қоидалар белгиланди. Айтиш лозим, уларни амалга ошириш механизмларини жорий этиш орқали давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан хомашё, товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши ҳамда реализация қилинишини ноқонуний чеклашнинг олдини олишга, тадбиркорлик субъектининг қайсидир ҳудудда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтишини талаб қилишига чек қўйишга шу билан бирга меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракатига замин яратилади.

Айнан ушбу қоидалар бизнинг электоратимиз бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар учун муҳим бўлган қоидалар, деб айта оламиз. Шунингдек, Конституциямиз ҳар бир инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши билан бирга, партиямизнинг сайловолди дастурида халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асосдир.

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятимизда ҳар бир фуқаро ва ҳар қайси оила ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Бош қомусимизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси ҳисобланади.



Екатерина СМЕСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Ҳуқуқий маданият юксалмоғи зарур

Ватанимиз ўтмиши фақат давлатлар, салтанатларнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг емирилишидан иборат эмас. У аждодларимизнинг қонун ижодкорлиги тарихи ҳамдир. Давлатчилик тарихимизни уч минг йил деб оладиган бўлсак, ундан ҳам аввалроқ ахлоқ кодексларимиз жорий этилган. Қолаверса, инсонлар жамият ва давлат шакллантиришда ҳуқуққа таянади. Шу маънода, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг мустаҳкам феноменини яратишда ҳар биримиз Конституцияни ўзимизга дастуриламал деб билишимиз даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майда эълон қилинган “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлашга қаратилди.

Ушбу ҳужжат асосида янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ бажариш барча даражадаги давлат мулозимларининг биринчи галдаги устувор вазифаси сифатида қайд этилди. Давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари Асосий қонунни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун шахсий жавобгар этиб белгиланди.

Шу билан бирга янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича 89 та банддан иборат чора-тадбирлар дастури ҳам қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 декабрдаги нутқидан асосий хулоса шу бўлдики, асосий қонунимизни ўрганишни болалар боғчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчилари ушбу жараёнга тўлиқ жалб этилиши лозимдир.

Энг муҳим ҳаётий қўлланма

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш, яъни, “Инсон қадри учун” тамойилининг амалдаги исботи ва кафолати бўлган Конституциямизда дунёвий давлат принципининг белгилаб қўйилганлиги энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. Унинг замирида кенг кўламли вазифалар, халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби эзгу мақсадлар ётади.



Виктор ПАК,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Инсон қадри – мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаёт, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини англатади. Бугунги кунда инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ғояси давлатимизнинг бутун ички қолаверса ташқи сиёсатининг тамал тошига, юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига ҳамда ушбу эзгу саъй-ҳаракатларни ўзаро боғлаб турувчи муҳим омилга айланди. Агар дунё мамлакатлари Конституцияларида инсоннинг 110 дан ортиқ ҳуқуқи қайд этилганини ҳисобга олсак, ҳозирги кунда шулардан 90 таси бизнинг янгиланган Бош қомусимизда ўз аксини топган.

Конституцияда бирдамлик, адолатли ижтимоий сиёсат, инсон капиталини ривожлантириш тамойиллари устуворлигига таянилади, албатта. Бу ҳужжатда халқимизга хос меҳр-оқибат, ўзга миллат вакилларига ҳурмат, билимга интилиш, қадр-қиммат, бағрикенглик каби фазилатлар ўз ифодасини топган. Айниқса, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши, миллатлараро ва конфессияларо тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашга муҳим аҳамият қаратилган.

Асосий қонунимиз муқаддимасида Ўзбекистон халқи ушбу Конституцияни, жумладан, “фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида” қабул қилгани бежиз таъкидланмаган. Шу маънода, Қомусимиз — биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки миллий ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, жинси, ирқи, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя ҳисобланади. Зеро, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баланд-парвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Ушбу муҳим ҳаётий қўлланма ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар, кўплаб халқаро ташкилотларнинг мутахассислари томонидан синчиклаб ўрганилган бўлиб, унга инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари қўшимча равишда уйғунлаштирилгандир. Халқаро ташкилотлар вакиллари ва экспертлари холис ва тўғри таъкидлаганидек, Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳрирда қабул қилиниши “Инсон шаъни ва қадр-қиммати учун” тамойили асосида халқ фаровонлигини янада юксалтириш, инсон, фуқаролик жамияти ва давлатни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.



Зебинисо РАҲМАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Иштирокчи эмас, ташаббускор

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги, давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаши қайд этилган.

Аёл-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини ошириш йўлида олиб борилган ишлар сайлов жараёнларида ҳам самарали натижаларини кўрсатди. Бугунги кунда хотин-қизларимиз демократик жараёнларнинг нафақат иштирокчиси, балки унинг ташаббускорига айланди.

Хусусан, парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари сайловида номзодларнинг 40 фоизини ташкил этган хотин-қизларнинг иштироки нафақат партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратди, балки сайловчи хотин-қизларимизнинг сайловолди учрашувларида ва овоз бериш жараёнидаги фаоллигини ҳам оширди.

Бу каби муваффақиятлар замирида мамлакатимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқлар, шак-шубҳасиз хотин-қизларнинг ўқиши, билим олиши, меҳнат қилиши, уларнинг соғлигини сақлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенглик бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда намоён бўлади, албатта! Зеро, кун сайин хотин-қизларнинг жамият ишида фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Ишончимиз комилки, бу қатлам вакилалари бундан ҳам кўпроқ ишларга қодир.

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадлар йўлидаги тараққиётимизнинг янги босқичида хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш ва уларга имкониятлар эшигини кенг очиш, муаммоларни бартараф этишда соғлом партиявий рақобат муҳитида қонунчилигимизни мустаҳкамлашимиз, парламент назоратини оширишимиз ҳамда ижро органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги фаоллигимизни янги босқичга кўтаришимиз давр талабидир.



Раҳматилло ШУКУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Ижтимоий адолат асоси

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида иқтисодий ривожланишнинг янги барқарор йўналиши сифатида ижтимоий жамият қуриш зарурати муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун аниқ қонунчилик асосида доимий фаолият юритувчи социал сиёсатни яратиш йўлидан бориш зарур, чунки бу жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини келгусида муваффақиятли ривожлантириш гаровидир. Ижтимоий адолат моделлари Осиёнинг Япония, Жанубий Корея, Тайван каби мамлакатларида ривожланган. Бироқ, у расман Ўзбекистон Республикаси Конституцияси даражасида мустаҳкамланганлиги билан аҳамиятлидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”, деб белгилаб қўйилган. Унга кўра, жамият аъзоларига ижтимоий адолатли бўлиш давлат сиёсатининг устувор вазифасидир.

Ижтимоий давлат асосининг тизимли шаклланиши социал адолат талабларига жавоб бериши керак. Бу эса жамоатчилик онгида соҳага тегишли муносабатларнинг назарий ва амалий концепциясини тизимли акс эттириш ва қонунийлаштиришдир. Ижтимоий адолат моделининг моҳияти эса асосий умумий тақсимот, ижтимоий табақаланиш, социал адолат, умумий мукофот принципи, ижтимоий мукофотнинг асоси ва ўлчови тамойилларини ташкил қилади. Шундай қилиб, ижтимоий адолат модели умумий муносабатлар тизимли йўлга қўйилиши ва фуқароларнинг шахсий хизматларини тақдирлаш усулларини белгилайдиган ўзига хос социал концептуал тизим ҳисобланади.

Мамлакатда ижтимоий давлат – социал адолатнинг асоси сифатида соҳадаги ислоҳот самарадорлигига эришиш учун мавжуд муаммоларни бартараф этиш лозим. Бунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини янада ривожлантириш, кам таъминланган оилаларнинг эҳтиёжмандлик даражасини объектив баҳолаш ва субъектив ёндашувларни бартараф этиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича фаолиятни давом эттириш шулар жумласидандир.

Қувонарлиси, мамлакатимизда имплементация жараёни яна ҳам соддароқ айтадиган бўлсак, давлатимиз томонидан халқаро ҳуқуқий нормаларни ўз миллий қонунчилигимизга жорий этиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу борада бугунги кунда юртимизда соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда, яқинда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг қабул қилинганлиги ва унга кўра, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш ва камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилганлигини таъкидлашнинг ўзи етарли, албатта.

Хулоса қилиш мумкинки, давлатнинг ижтимоий адолатни амалга ошириши асносида фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ортади. Бу эса социал давлат тамойили талабларига жавоб бериб, юксак самарадорликка эришишга замин яратади.



Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Янги Конституция ва парламент

Янги таҳрирдаги Конституциямизда конституциявий нормалар сони 275 тадан 434 тага ёки 159 тага кўпайган эди. Конституциявий комиссия аъзоси сифатида шуни айтмоқчиманки, ушбу нормаларнинг айримлари Конституциямизга янги норма сифатида киритилган бўлса, айримлари амалдаги қонунчилигимиздан конституциявий норма даражасига кўтарилди, айримларига эса тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Конституциявий нормалар сонининг оширилиши уларнинг ижро механизмларини очиб беришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу эса Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат эканлигидан ҳам далолат беради.

Шу ўринда Асосий қонунимизда Парламент палаталари, яъни Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари, ҳар бир палатанинг алоҳида-алоҳида ваколатлари ва масъулият соҳалари аниқ белгилаб берилгани диққатга сазовор.

Хусусан, аввалги Конституциямизда Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари бештани ташкил этган бўлса, янги таҳрирдаги Конституциямизда улар сони ўн иккитага етди. Хусусан, давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш, Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича ҳар йилги маърузасини тинглаш ва давлат органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш ҳамда парламент назоратининг бошқа шаклларини амалга ошириш каби ваколатлар Қонунчилик палатасига берилди. Бу ўзгартиш қуйи палатанинг вакиллик табиатига тўла мос келади.

Ушбу ваколатларнинг айримлари аввал ҳам қонунчилигимизда акс этган эди, фақатгина улар конституциявий норма даражасига кўтарилди ва Парламент назоратини кучайтиришнинг муҳим омилига айланди.

Шунингдек, яна бир эътиборли жиҳат – Янги таҳрирдаги Конституциямизда биз томонимиздан қабул қилинган қонунлар Сенат томонидан олтмиш кун ичида кўриб чиқилиши белгиланди. Агар Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида олтмиш кун ичида қарор қабул қилмаса, Қонунчилик палатаси томонидан қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилиши назарда тутилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинганидан сўнг Қонунчилик палатасида дарҳол унинг нормаларини амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш жараёнлари бошланди. Мисол учун, ўтган 2023 йилнинг 14 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида қабул қилинган қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган мутлақ ваколатларини ҳамда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни, қонунчилик таклифларини илгари суриш тартибини ва қонунларни қабул қилишнинг янги тартибини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан 13 та қонунга, шундан 4 таси Конституциявий қонунлар ва 1 та кодекс (Сайлов кодекси)га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Конституциямизнинг 94-моддасига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатлари юқорида таъкидлаганимдек, 5 тадан 12 тага, 95-моддасига мувофиқ Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатлари 14 тадан 18 тага оширилганлиги тегишли қонун ҳужжатларида ўз аксини топди.

Шунингдек, Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 92-моддасига асосан Сенат аъзолари ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликдан 4 нафардан сайланиши, 9 нафари эса Президент томонидан тайинланиши (жами 65 нафар) белгиланди. Доимий асосда ишловчи сенаторлар сони эса амалдагидек 25 нафар миқдорда сақланиб қолинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 104-моддасига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ва доимий ишлайдиган сенаторнинг ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик иш жараёни билан бир қаторда ижодий фаолият билан ҳам шуғулланиши мумкинлиги ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 98-моддасига асосан Қонунчилик палатасига қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида киритиш ҳуқуқи сайлов ҳуқуқига эга бўлган, 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқароларга, Сенатга, Омбудсманга ва Марказий сайлов комиссиясига берилди.

Қонунчилик таклифида муайян қонунни қабул қилиш, ўзгартириш киритиш, бекор қилиш зарурати асослантирилиши ҳамда унинг ғояси ва кутилаётган натижалар ҳақида маълумот бўлиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Фуқаролар томонидан киритиладиган қонунчилик таклифининг механизми ва унинг предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар аниқлаштирилди. Жумладан, ҳудудий яхлитликни ўзгартириш, амнистия ва афв этиш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш шундай масалалар сирасига киради.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари жорий йил 18 ноябрдаги маърузасида фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссиясини ташкил этишни таклиф қилди. Янги таҳрирдаги Конституциямиз нормаларига мос равишда таклиф этилган бундай таклифлар ижросини таъминлаш сизу бизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Ўқитувчилик касби энди улуғланяпти

Янги Ўзбекистонни барпо этиш бу шунчаки хоҳиш-истак ёки субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига монанд, унинг миллий манфаатларига тўла мос келадиган объектив заруратдир.

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида аниқ натижага йўналтирилган, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинди. Бунинг учун ҳуқуқий кафолат бўлган Конституциямиз бор, асосий масала уни ҳаётга татбиқ этишдир.

Хўш, Бош қомусимиз ҳаётга қандай татбиқ этилади? Албатта, депутатлар ва масъул ташкилотлар кўмагида, дейишингиз мумкин. Бу фикрда жон бор. Аммо дарахт серҳосил мева бериши учун, яхши парваришга муҳтож бўлгани каби киши ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англаши, умумжамиятга дахлдор масалаларда фаол бўлиши учун албатта, устозга эҳтиёж сезади. Чунки ёшларимизнинг онгини ривожлантириш, уларнинг қалбида қонунларга бўлган ҳурмат туйғусини шакллантиришда ўқитувчиларнинг ўрни беқиёс.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 52-моддасида ўқитувчининг беқиёс меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, халқимизнинг маънавий ва маданий салоҳиятини бойитишнинг асоси эканлигига алоҳида урғу берилган. Айниқса, устозларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ижтимоий ва моддий фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишга устувор вазифа сифатида қаралган. Янги таҳрирдаги конституцияда яъни энг олий қонунда ўқитувчилик касби алоҳида эътироф этилди ва бунга жиддий зарурат бор эди ҳам. Чунки, биламиз, узоқ йиллар давомида бу соҳа вакиллари ҳақ-ҳуқуқсиз, ҳимоясиз, қадрсиз бўлиб келди. Улардан теримчи, боғбон, фаррош, мактабга келган комиссияларга хизмат кўрсатувчи официант, металл тўпловчи, зерикарли тадбирларда бўш залларни тўлдирувчи, тунги навбатчи ва мактаб қоровули сифатида ҳеч тортинмай фойдаланилди. Ва хўжакўрсинга ўқитувчининг ҳақ-ҳуқуқи ва шаъни ҳимоя қилинди. Ниҳоят, янги таҳрирдаги Бош қомусимизга киритилган ушбу моддадан сўнг ўқитувчилик касби ва бу заҳматли соҳа ходимларига бўлган муносабат кескин ўзгарди.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган юқоридаги ўзгартиришдан сўнг, бир йилда ўқитувчилар сони 26 минг 100 нафардан ошиққа кўпайиб, 2023-2024 ўқув йили бошида Ўзбекистондаги умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим бераётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони 547 минг 700 нафарни ташкил этган.

Хулоса аниқ, инсон қадри – мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаёт, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини англатади.



Рисқул СИДДИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси



Дилмурод АРТИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Ижтимоий давлат принципларига содиқ қолмоқда

Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб белгиланган. Ижтимоий давлат тушунчаси ўзи нима? Социал мамлакат дейилганда – ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шароити ҳамда адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам, шунингдек, хизматлар тизими яратилган, уй-жойга эга бўлиш шароити мавжуд бўлган, ижтимоий тафовутлар юмшатилган, мувозанатлашган, ҳеч бир фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли давлат тушунилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда қўлланилмоқда. Хусусан, “Мономарказ”лар фаолияти йўлга қўйилди, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тизимлари ташкил этилди. Ишлаётган пенсионерларга пенсиялар 100 фоиз тўлана бошланди.

Янгиланган Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробарга кўпайтирилди. Жумладан, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда ижтимоий давлат модели АҚШ, Буюк Британия, Франция, Швеция, Италия, Германия, Испания, Япония, АҚШ каби давлатларда қўлланилмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши бўлиб келмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталари билан жорий йилнинг 18-20 ноябрь кунларидаги учрашувларда ҳам мазкур масалага алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустаҳкам ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш, тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш, йилига 150 минг квартирали янги замонавий уй-жойларни барпо этиш имконияти яратилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат принципларига содиқлигини энг муҳим белгиларидан яна бири камбағалликни қисқартишни давлат сиёсатига чиқарилиши бўлмоқда. Бу борада “Камбағалликдан фаровонлик сари” комплекс дастури алоҳида аҳамиятга эгадир. Кейинги беш йилликда кўп қиррали ёндашувлар асосида, камбағал оилаларнинг аъзоларига сифатли таълим бериш, уларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлиғини яхшилаш, психологик ёрдам кўрсатиш бўйича кўмак бериш пакетлари индивидуал бўлиши бўйича мақсадлар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, яна бир муҳим ижтимоий масалалардан бири соғлиқни сақлашдир. Янгиланган Конституциянинг 48-моддасига кўра, ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Фуқароларга тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда ва давлат ҳисобидан кўрсатилиши аҳоли саломатлиги учун муҳим ижтимоий кўмак ҳисобланади. Ҳозирда аҳоли учун тиббий ёрдамнинг кафолатланган бепул ҳажми доирасига шошилинч тиббий ёрдам, бир қатор юқумли касалликлар бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва хавфли касалликлар бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш киради.

Фуқароларнинг қонунда белгиланган ҳажмда тез ва шошилинч тиббий ёрдамни ҳам ўз ичига оладиган кафолатланган бепул тиббий ёрдам олишга ҳақли эканининг конституциявий даражада мустаҳкамланганлиги ижтимоий давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, бугунги Ўзбекистон янгиланган Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилларига содиқлигини намоён этмоқда. Зеро, ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқлари олий даражада таъминланган давлатда жамиятнинг ҳар соҳасида барқарор ривожланиш имконияти яратилади.

Давлат бюджети устидан халқ назорати

Конституция – бу давлат бошқарувининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган муҳим ҳужжат. Замон ривожлангани сари, кишилик жамиятида яшаш тарзида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Демак, қонунларимиз ҳам шундай ўсиш ва ривожланишга мос равишда бўлиши керак. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрелда референдум асосида янгидан таҳрир қилинди. Бу жараёнда ватандошларимиз ўзларининг таклифлари, фикрлари билан иштирок этди.

Бунга қадар, 1992 йилдан буён Конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, Бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, Конституция 65 фоизга янгиланди.

Янгиланган Конституция жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишларини комплекс тартибга солиш ҳамда мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида энг муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи”, деб белгилаб қўйилган. Бу норма кейинги йилларда юртимизда Янги Ўзбекистон – инсон шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган давлат бўлишини, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши зарурлигини кўрсатиб берди. Ва бу жараён мамлакатимиздаги ҳар бир соҳада қилинган ислоҳотларда акс эта бошлади.

Ривожланган мамлакатларда ҳам демократиянинг асосий тамойили бу давлат ҳокимиятининг халқ учун ишлаши, унинг истаклари, хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракатланиши ҳисобланади. Айни шу тамойил бугунги биз яшаётган жамият ҳаётига ҳам жорий қилинмоқда. Оддийгина ҳар бир туманда Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши, сайёр қабулларнинг уюштирилиши сўзимизнинг исботи бўлади. Демак, бу Конституциямизда белгиланган тамойил амалда ишлаётганини билдиради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалга оширган ислоҳотлар натижасида бюджет очиқлигини таъминлашга қаратилган амалий ишлар жорий этилди. Бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада, фуқаролар нафақат давлат бюджети устидан назорат ўрнатмоқда, балки маблағларни сарфлашда ҳам иштирок этмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган мазкур нормалар юқорида қайд этилган ишларнинг мантиқий давоми сифатида давлат бюджетини шакллантириш, уни даромад ва харажат қисмларини белгилаш, ижросини таъминлашда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш, уларга бу жараёнда кенг ва фаол қатнашиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун тегишли ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатлар беради.

Давлат бюджетидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш, таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига зарур ёрдам кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик ҳамда умуман, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида самарадорликни таъминлайди. Энг асосийси, Янги Ўзбекистон тараққиёти учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш мақсадида амалга оширилган конституцион ислоҳотлар халқ фаровонлиги ва инсон қадри учун замин яратади.

Бахтимиз қомуси бўлган Конституциямиз миллати, ирқи, дини, эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистон фуқароларининг бутун бир имконияти ва мажбуриятларини ўзида акс эттирган бўлиб, ҳали узоқ йиллар давомида Янги Ўзбекистоннинг бахтли ва келажаги буюк авлодлари учун ҳам муносиб хизмат қилади.



Раъно АСТАНАҚУЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси.

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024”

СИРДАРЁ

МАРРАГА ЕТИБ КЕЛИШ ОСОН БЎЛМАДИ

Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга бўлган эътибор йил сайин кучаймоқда. Сирдарё вилоятида ҳам хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги амалий ишлар ижобий натижасини бераётгани қувонарли.



O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ўртасида имзоланган қўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг ҳудудий республика босқичида ҳам бу ҳол яққол кўзга ташланиб турди.

O‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши ташкил этган мазкур тадбирда дастлаб иштирокчилар ўз фаолиятидан ҳикоя қилувчи кўргазмани ҳавола этишди. Тўққиз йилдан буён ташкил этиб келинаётган мазкур танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 900 нафардан зиёд тадбиркор, ишбилармон ва фермер аёллар иштирок этди. Туман ва шаҳар босқичларида фаол бўлиб, ғолибликни қўлга киритган 11 нафари эса ҳудудий босқичга етиб келди.

Танлов низомига кўра тажрибали ҳакамлар ҳайъати аъзолари – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гавҳар Олимова, Сирдарё вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Рўзиқул Примқулов, вилоят касаба уюшмаси кенгаши бўлими мудири Бахтиёр Ҳайдаров кўргазма ва тақдим этилган ҳужжатларни кўздан кечириб, холисона баҳолаб борди.

– Бу жараёнда иштирокчиларнинг нечоғли янги иш ўринлари яратгани, экспорт салоҳияти, инвестициялар жалб қилишдаги ҳаракати каби мезонлар алоҳида эътиборга олинди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гавҳар Олимова. – Турли-туман маҳсулотлар, айниқса, миллий йўналишдаги либослар намойиши кўрган кўзни қувонтиради, қалбда миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, мустақилликка бўлган шукроналик ҳиссини оширади. Ўзбек аёли нималарга қодирлиги, меҳнаткашлиги, моҳирлигига тасанно айтасан.

Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра, Янгиер шаҳридаги “Мамурова Лайло” МЧЖ раҳбари Лайло Маъмурова мутлақ ғолиб деб топилди. Мазкур жамоада бугунги кунда ўндан ортиқ доимий, 90 га яқин мавсумий иш ўрни яратилган. Эътиборга молик томони, уларнинг 10 нафари “Аёллар дафтари”, 15 нафари эса “Ёшлар дафтари”даги фуқаролардир.

Иккинчи ўринга Боёвут туманидаги “Ibrat akademy” мактаби раҳбари Хуршида Эгамбердиева лойиқ деб топилган бўлса, учинчи ўрин Оқолтин туманидаги якка тартибдаги тадбиркор – Феруза Жўраевага насиб этди.

– Корхонамиз кўп тармоқли, асосан ифор таратувчи совун гуллар, сандиқлар, совғалар учун анжомлар ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарамиз, – дейди танловнинг фахрли ўрин соҳибаси Лайло Маъмурова. – Устоз-шогирд анъаналарини кенг йўлга қўйганмиз. Маҳалламиздаги битирувчи ва ишсиз ёшлар бизнинг қўлигул ходимларимиздан ҳунарлар сир-асрорларини ўрганишмоқда.

Ғолиб ва фаол иштирокчилар O‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Насиба РУСТАМОВА,
O‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши бўлими мудири

ТЎЁНА

ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ, САЛОҲИЯТЛИ ТАДБИРКОР

Сиёсий кучнинг аъзолари қанча билимли, тадбирли, маданиятли кишилардан иборат бўлса, имконияти ҳам шунча кенг ва халқчил бўлади. Бундай электорат билан партия халқ орасида янада танилади, мақсадларини амалга оширишда қийналмайди.



O‘zLiDeP аъзоси, тадбиркор, Ангрен шаҳридаги “Қувват” МЧЖ директори Вадим Ли етакчи кучнинг ана шундай фаолларидан. У Санкт-Петербург давлат электротехника университетида олган илмлари натижаси ўлароқ, меҳнат фаолиятини 1993 йилда “Ангрен иссиқлик манбаи” корхонасида муҳандисликдан бошлаган эди. 1997 йилда эса мактаб, боғчалар учун иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик энергиясини автоматик ўлчаш асбобларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Қувват” МЧЖни ташкил этди. Корхона бугунги кунда республика бўйлаб хизмат кўрсатмоқда.

Юқори малакали муҳандис, чуқур билим ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган талабчан замонавий раҳбар фидойилиги, ватанпарварлиги ва меҳнатсеварлиги билан соҳа ривожига ҳисса қўшмоқда. Ишлаб чиқариш субъектида 70 та иш ўрни яратди, корхонанинг ривожланиши йўлида тинимсиз изланмоқда, соҳага инвестиция жалб қилишга эришмоқда.

Айни саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар республикамизга импорт қилинаётган аксарият ҳисоблагич маҳсулотларидан анча сифатли. Нархи арзонлиги боис ички ва жаҳон бозорида харидоргир. Шунингдек, у корхонада ва Ангрен шаҳрида ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий тадбирларда фаоллиги учун 2017 йилда O‘zLiDeP Ангрен шаҳар кенгаши раиси ва 2019-2024 йилларда Халқ депутатлари шаҳар ҳамда Тошкент вилояти кенгаши депутати этиб сайланган. Бу даврда вилоят миқёсида энг фаол депутатлар қаторида бўлди. Ўз сайлов округида доимий равишда фуқаролар қабулини ўтказди, мавжуд муаммоларни виждонан ҳал этишга ҳисса қўшди.

Жонкуяр ва салоҳиятли муҳандис, самимий инсон сифатида жамоадошлари, партиядошлари ҳамда ангренликлар орасида ҳурмат қозонган замондошимиз Вадим Лининг бу каби инсоний фазилатларидан икки нафар фарзанди ҳам ибрат олмоқда.

Жорий йилги сайловларда 57-Дукент сайлов округидан номзоди кўрсатилган қаҳрамонимиз Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутатлигига қайта сайлангани ҳам унинг, аввало, халқпарварлиги, меҳнатсеварлиги, уддабуронлиги билан элга танилганидандир. Навбатдаги бу мақом унинг 55 йиллик юбилейига ажойиб туҳфа, шу билан бирга улуғлик довонидаги улкан вазифа ҳамдир.

Халқ корига яраширдек бу эзгу, шарафли ва машаққатли йўлда маслакдошимизга омад тилаймиз.

O‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши жамоаси

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ жамоаси

Ўзбекистон аҳлини 8 декабрь – Конституция куни билан самимий муборакбод этади.
Конституция – миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустаҳкам пойдевори.
Меҳнаткаш халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган Конституциямиз қабул қилинганининг 32 йиллиги билан барчани чин юракдан қутлаймиз.
Элимизга фаровонлик, юртимизга тинчлик тилаймиз.



Хизматлар лицензияланган!

Реклама ҳуқуқида.

Biznesni Rivojlantirish Banki

24 НАФАР МЕНТОР ЯПОНИЯДА МАЛАКА ОШИРИБ ҚАЙТДИ

Президентимиз илгари сураётган ташаббусларда тадбиркорларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш бўйича хорижий тажрибаларни амалиётга татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғи берилган топшириқлар бўйича тузилган йиғилиш баённомасида кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш “менторлик” тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада Япония тажрибасини жорий этиш вазифаси белгиланган эди.





Президентимизнинг 2024 йил 7 сентябрдаги ПҚ – 312-сонли қарорига асосан халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда ўсиш ва ривожланиш салоҳиятига эга тадбиркорлар фаолиятига кўмак бериш ва ҳамроҳлик қилиш бўйича менторлар ёки етакчи тадбиркорлар гуруҳини шакллантириш, бунда йил якунига қадар 24 та менторлар фаолиятини йўлга қўйиш топшириғи берилди.



Топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар хусусида **“Бизнесни ривожлантириш банки”нинг тадбиркорликка ўқитиш лойиҳалари”** мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда банк раҳбарияти, таркибий тузилмалар масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Анжуманни бошқарув раиси ўринбосари Ойбек Вохидов очиб берди.

Қайд этилдики, Ямагата университети ўқув маркази билан тузилган шартнома уч босқичда амалга оширилиши белгиланган. Бунда 1-босқич – инновацион бизнесни бошлаш дастурини ишлаб чиқиш; 2-босқич – тадбиркорларни онлайн, офлайн тарзда ўқитиш, менторларни саралаш ва тайёрлаш дастури; 3-босқич – банк ходимларини ўқитиш назарда тутилган.

Ямагата университети профессорлари томонидан 17 турдаги видеоматериаллар, 16 та тақдимот ва 50 та саволдан таркиб топган тест дастури ишлаб чиқилди. Ҳудудларда ишбилармонлар билан учрашувлар ўтказилди. 150 нафар фаол тадбиркор билан ўқув курслари ташкил этилди.

Ўқув курслари Япониянинг “u-hope” дастури асосида олиб борилди. Ямагата университети профессорлари тайёрлаган 10 турдаги видеоролик шаклидаги дарслик ҳамда 6 турдаги кейс-амалиёт тақдим этилди. Ҳозирда дастурга 11 мингдан ортиқ тадбиркор қизиқиш билдиргани, шундан 2 минг нафари учун ўқиш жараёни бошлангани, 500 нафарига эса сертификат топширилгани маълум қилинди.

Япония мутахассислари ўқувларда мувафақиятли қатнашган тингловчилардан 24 нафар менторни саралаб олди. Улар дастлаб Ўзбекистонда, кейин Японияда малака ошириб, халқаро сертификатга эга бўлди. Ўзаро тузилган шартномаларга асосан ҳар бир менторга жами 296 нафар тренерни тайёрлаш мажбурияти юклатилди. Улар учун ўқув дастурлари ва ўқитиш режа графиклари ишлаб чиқилди.

Шу йилнинг 18 ноябридан бошлаб барча ҳудудларда тренерларни тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Ўқувлар офлайн ва онлайн шаклда амалга оширилмоқда. Жараёнларни ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Дастлабки ўқув курслари якунида 300 нафарга яқин тренерга сертификат тақдим этилади ва уларга тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзлар берилиши таъминланади. Албатта, ментор ва тренерлар томонидан келгусида ишлар давом эттирилиши, тадбиркорларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, кенгайтирилган аудиторияларда ўқишлар ташкил этиш режалаштирилган.



Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек давлат ҳокимияти вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддаси.

XXI asr

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

НАИМ КАРИМОВ:
ҚАТАҒОН ХАЛҚИМИЗНИ ҚЎРҚОҚ ҚИЛИБ ҚЎЙГАНДИ

90 ёшни қаршилаган академик Наим Каримов ҳозир ҳам ижоддан тингани йўқ, деб ёзар эдик атиги бир йил олдин.

Устоз чин маънода сўнгги нафасигача ўзбек адабиётига хизмат қилди. У 1932 йил 12 декабрда Тошкентда зиёли оиласида туғилган. 1955 йили САГУ (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) филология факультетини тамомлаб, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтига ишга киради. Ярим асрлик ижодий ва илмий фаолияти ушбу даргоҳ билан узвий боғланган олим ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар яратди, матншунослик соҳасига катта ҳисса қўшди. Умрининг кейинги 30-35 йилини шўро замонидаги оммавий қатағон мавзусининг адабиёт билан боғлиқ жиҳатларини ёритиш, яқин тарихимизнинг ўқилмай қолган, шунингдек, нотўғри ёритиб келинган саҳифаларини қайта тиклашга бағишлади. Минг афсуски, ана шундай "тирик энциклопедия" билан суҳбатлар матбуотимиз бисотида кўп эмас. Боридан борича иқтибослар илинамиз.



***

Биз қатағон этилган ёзувчиларимизнинг номини Сталин вафот этгунига қадар тилга олишга қўрқар эдик. Уйимизда ҳам Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи ва бошқа бир нечта асарларини дадамиз сақлаб қўйган эканлар, лекин бизга кўрсатмаганлар. Ёзувчилар оқланганидан кейин биз уларнинг асарларини қўлимизга ушлашга, кўришга муваффақ бўлдик. Ўша асарлар ҳозир "Қатағон қурбонлари музейи"дан ўрин олган. Сталин ўлимига яқин, 20-съезддан кейин собиқ совет жамиятида анчайин ҳаво ўзгара бошлаган эди. Мен ўша пайтда Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетида ўқиб юрардим. Кейинчалик университетдан сўнг Москвага, Қозонга илмий сафарлар билан бориш имкониятлари пайдо бўлди. Биз у ерларда қатағон қурбонларининг Тошкентда бўлмаган асарларидан нусха олиб келишга ҳаракат қилар эдик. Кейин фалакнинг гардиши билан 1999 йил мустамлака даври қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш қўмитаси тузилди. Ва мен шу қўмитага раис этиб тайинландим. Кейин "Шаҳидлар хотираси" мажмуаси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи тузилди. Мен буларга ҳам раҳбарлик қила бошладим. Сабаби ўша пайтда аввал КГБ, ҳозирги Миллий хавфсизлик хизмати *(ҳозирги ДХХ-таҳр.)* архивлари эндигина очилган пайтда, биз кириб, Қатағон қурбонларининг делолари билан танишиш имкониятига эга бўлганмиз. Ўша пайтда бир қанча мақолалар, Усмон Носирга бағишланган иккита китоб эълон қилган эдим. Чўлпон ҳақидаги китобим чиққан. Раҳбарият шу соҳадаги фаолиятимни инобатга олиб, шу масъул ишларга тайинлашган. Қатағон қурбонларининг ҳаёти, ёзганлари, қаерда ўқиганлари нафақат биз учун, уларнинг қариндош-уруғлари учун ҳам қоронғи эди. Архив устида ишлагач, уларнинг ҳаётларини ёритадиган фактларни топиш имконига эга бўлдик. Энди архивда ишлаш осон эмас. Тергов матнларини ўқиганимизда, уларга аъзоси бўлмаган аксилинқилобий ташкилотларга аъзо бўлгансан, қўл қўй, деган жойларда уларнинг кўзёшларидан доғлар қолгани кўриниб турарди. Биз уларнинг қийнаганларидан сўнг йиғлаб қўл қўйганларини сезиб турардик. Биз комиссияларнинг турли диндорлар бўйича, давлат арбоблари бўйича, адабиёт-санъат арбоблари бўйича гуруҳларини тузгандик. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад диндорлар бўйича қўмита раиси эди. Бир кун ишлаб, иккинчи кун архив материалларини ўқиб ўтириб, кўзида ёшларни оқизиб, "Наим ака, мен бу шароитда ишлолмайман, бу мен учун азоб экан", деб узр сўраб чиқиб кетган. Биз тишимизни тишимизга қўйиб, кўз ёшларимизни бир-биримиздан яшириб, жиноий ишлар ёзилган ҳужжатлар устида ишлаганмиз.

***

Усмон Носир билан Қўқонда бир маҳаллада ўсиб, кейин Тошкентда ҳам унча-мунча кўришиб турган одамлардан бири, Иброҳим ака деган кишини кўрганимизда Усмон Носир ҳақида ҳар хил саволлар берганмиз, у киши "Усмон Носир Магаданда ўлган. Мен ўз қўлим билан кўмганман", дегандилар. Кемеровога бориб иш билан танишганимда кўпгина айтиб келинган гаплар нотўғрилигига амин бўлдим. Албатта, уларни кўриш осон бўлмади. Делоларни Тошкентга сўраттирганимизда беришмади. Кейин Москвадаги идоралардан алоҳида рухсат олиб Кемеровога борганмиз. Лагерь жойлашган жойга фақат кунлар исигач, уч ой муддат ичида бориш мумкин экан. Бошқа пайтлар йўллар ёпилиб қолар экан қор билан. Биз Усмон Носир ва бошқа миллатдошларимизнинг қабрларини зиёрат қилганмиз, сўнгра Кемерово ички ишлар бўлими архивида Усмон Носир делоси билан танишганман. У ўша пайтда 10 мингдан ортиқ бетдан иборат бўлган экан. Бизга ёрдам берган Кемерово обкомининг котибаси "Сизлар, яхшиси, бу иш билан танишманглар. Усмон Носир ҳақида сизларда катта ҳурмат бор ҳозир. У жуда қийин шароитларда яшаган. Буларни ўрганишларинг сизлардаги кўтаринкиликни парчалаб ташлайди", деган. Лекин тадқиқотчи, албатта, ҳар бир нарсанинг тагига етиши керак. Мен ўша делолар қанчалик қийин бўлишига қарамасдан, Усмон Носирнинг туғилганидан бошлаб, қамоқхонадаги ҳаётини ойма-ой, ёки ҳеч бўлмаганда йилма-йил тиклашга ҳаракат қилганман ва ўшани китобларимда акс эттирганман.

***

...одамзодда ҳасад деган бир ёмон иллат бор. Мана шу ҳасад кўпинча одамзодни шайтон измидан юришга мажбур этади. Ойбек домланинг даврасида у кишига ҳасад қиладиган шоир-ёзувчилар оз бўлмаган бўлса керак. ...обрўси бошқа қаламкаш дўстларига нисбатан баланд эди. Энди ҳасадгўй дўстлар зимдан иш кўришади. НКВДнинг одамлари 30-йилларнинг қатағонида ҳам, 50-йилларнинг қатағонида ҳам мана шу ҳасадчилардан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Улар бу қаламкашларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, "Санинг, масалан, Ойбекдан қаеринг кам, сан ҳам ундан зўр бўлишинг мумкин" каби гапларни айтган бўлиши шубҳасиз. Кейин Ёзувчилар уюшмасида НКВДга ёлланган бир қанча одамлар бўлган. Энди бир хиллари ўз ихтиёри билан қўшилган, бошқалари мажбур қилинган, қўрқитилган. Одамлардаги қўрқув ва ҳадик НКВД ва унга ўхшаган ташкилотларнинг қуроли бўлган. Хуллас, Ойбек домлага қарши кенг кўламли хуружлар бошланади. ... "Навоий" романи Сталин мукофотини олган. Уни танқид қилиш мумкин эмас эди. НКВД бунинг учун Тожикистонда олимларни ёллаб романда тожик миллати нотўғри кўрсатилган, деб Ойбекка "миллатчи" деб туҳмат уюштирган. Тошкентда ҳам Ойбек домладан хато ахтарилган, мақолалар ёзилган. Мақсад Ойбекни ўлдириш ёки қатағон қилдириш бўлган. Ойбек домла уларнинг ниятига қарши тирик қолди, лекин соғлигини жиддий йўқотди. Овозсиз, қўли ҳаракатсиз қолди. Лекин шунга қарамасдан, ўша ҳасадчилардан кўра минг марта яхши ижод қилди, халқда порлоқ хотира қолдирди. Китобларини кўзга суриб ўқиймиз, ўзини авлиёдек ҳурмат билан тилга оламиз.

***

Бир қанча шоирлар борки, уларнинг қалбида бошқача бир туғён бўладиган бўлса, бу туғён уларнинг шеърларидан ёруғ нурга ўхшаб таралиб туради. Энди Усмон Носирнинг шеърияти бу туғёнли шеърият. Унинг шеърларида ўз даврига ва ундан олдинга ҳам нисбатан туғёнли кайфият бўртиб туради. ...Кимга Аллоҳ томонидан катта истеъдод берилган бўлса, унинг тагида туғённинг алангалари ётади. Бу одамзоднинг адолатсизликка, ҳақсизликка қарши унинг юрагида пайдо бўлган туғённинг табиий бир кўриниши.

***

Адабиётчилар Алишер Навоий яшаган XV асрни ўзбек адабиётининг олтин даври, деб ҳисоблайди. Энди XX асрда ўзбек адабиёти шундай катта кўтарилишларга, янгиланиш жараёнларига эришдики, катта асарлар яратилдики, шунинг учун биз ўзбек адабиётидаги иккинчи олтин аср бу XX аср адабиёти деб айта оламиз. Энди секин-аста XXI аср адабиёти ҳам бошланди.

Баъзи асарлар бўладики, ўз даврида аниқ баҳосини олмайди. Масалан, Умар Хайёмнинг рубоийлари жуда кенг омманинг эътиборини тортган эмас. Бир қанча вақтлардан кейин улар жаҳон адабиётининг дурдоналари сифатида эътироф этилди. Мен, масалан, Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" асарини шундай буюк асарлар сирасига киритган бўлардим. Балки ҳозир ҳам шундай асарлар яратилаётгандир. Энди, албатта, XX асрда эришган ютуқларни XXI асрда яшаётган қўлига қалам олган дўстларимиз, укаларимиз давом эттиришади.

***

Ажабки, жаҳоннинг манаман деган сиёсатшунослари ҳам қатағоннинг қаердан пайдо бўлганини айтиб беролмаяпти. Қатағон – зулмнинг кутурган шакли. Зулм эса кучлар нисбати тенг бўлмаган жойда пайдо бўлади.

***

... қатағон даври қурбони бўлган аксар кишилар учун шахсий манфаат тушунчаси бутунлай бегона бўлган. Улар ўз ҳузур-ҳаловатларини ўйлаб, нафақат авлодлари, балки ўзлари учун ҳам тўкин ва фаровон турмуш асосларини яратмаганлар. Агар улар ҳаёт бўлганларида мустақил Ватанимиз равнақи йўлида бизга қараганда ҳам фидойиларча ишлаган бўлардилар.

Ҳозирги ёшлар улардан ибрат олишлари, уларнинг ватанпарварлик, халқпарварлик, тараққийпарварлик, фидойилик анъаналари ва васиятларига садоқат руҳида тарбияланишлари айни муддаодир.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ҚОМУСДА ИЛК МАРТА МУҲРЛАНГАН КАСБ

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан Янги Ўзбекистонни бунёд этиш тамойилларига мос равишда барча жабҳада, хусусан, таълим ва тарбия соҳасида ҳам ҳар томонлама ўйланган, тизимли ва чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Биз педагогларни қувонтирган жиҳати шундаки, Конституцияга илк марта ўқитувчилар ҳақида икки банддан иборат алоҳида модда киритилди. Яъни 52-модда қуйидагича ифодаланди: *"Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.*

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади".

Фахр билан айтиш лозимки, бу янгилик билан ўқитувчилар асосий қонунимизда судья, адвокат ва прокурор каби саноқли ҳуқуқ соҳаси вакиллари қаторида алоҳида тилга олинган ягона касб эгаларига айланди. Яна бир эътиборли жиҳати, 50- ва 52-моддаларда тарбия тушунчаси таълим билан бирга, ёнма-ён қўлланилган. Бу таълим билан тарбия айри эмас, аксинча бир-бирини тўлдирадиган тушунчалар эканини тасдиқламоқда.

Дарҳақиқат, ўз таълимоти ва турмуш тарзида миллий анъана ва қадриятларни устувор билган, оилага мустаҳкам бир маскан сифатида қараган қадимий Шарқда таълим тарбиясиз, тарбия эса таълимсиз тўкис ва мукаммал бўла олмайди. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, *"Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга жавобан: биринчи – уй тарбиясидур. Бу оналарнинг вазифасидур. Иккинчи – мактаб ва мадраса тарбиясидур. Бу оталар, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур".*

Президентимиз айни шу мақсадда шу йилнинг 21 июнида "Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини ташкил этиш тўғрисида" қарор қабул қилди. Унга кўра, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти негизида буткул янгича асосда Тарбия педагогикаси миллий институти ташкил этилди.

Қарорга мувофиқ миллий институт зиммасига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар тарбиясида қўлланиладиган илмий-методик таъминотни амалга ошириш, буюк алломаларимиз, хусусан, жадидларнинг мазкур йўналишдаги қарашларини тадқиқ этиш ва шу асосда замонавий методикаларни ишлаб чиқиш талаби қўйилди. Ўқувчилар тарбиясида маҳалла ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борада ота-она ва ўқитувчилар учун ўқув ва оммабоп адабиётлар яратишни тизимли йўлга қўйиш каби вазифалар юклатилди.

Институт томонидан тарбия йўналишида янги лойиҳалар амалга оширилади. Уларга хорижий экспертлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, олий таълим муассасалари ва жамоатчилик институтлари мутахассислари ҳамда олимлари кенг жалб этилади. Ёшлар тарбияси аҳолисининг ярмидан кўпроғи навқирон авлод вакилларидан иборат бўлган мамлакатимизда янада долзарб аҳамият касб этаётгани сир эмас. Айниқса, ахборот чегара билмайдиган, турли зарарли оқим ва таъсирлар ёшларимизни чалғитишга уринаётган бир даврда бу масала янада долзарб ва аҳамиятлидир.



Холбой ИБРАИМОВ,
Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти директори, педагогика фанлари доктори, академик

ШУКУҲ

– Айни кунларда Учтепа туманидаги 62-мактабга қадам ранжида қилган инсон Конституциямиз қабул қилинган кун бу ерда нечоғлик нишонланаётганини, Бош қомусимизни ўқувчилар қалбига муҳрлаш учун мактаб жамоаси сидқидилдан хизмат қилаётганига гувоҳ бўлади.

Байрамона безатилган мактаб фойесиданоқ "Конституция – Бош қомусимиз", "Конституция – бахтимиз пойдевори", "Конституция – халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир" каби шиорлар, деворий газеталар эътиборингизни тортади.



КОНСТИТУЦИЯ БЎЛМАГАНИДА БЕПУЛ ТАЪЛИМ ҲАМ БЎЛМАСДИ

Айни вақтида келдингиз-да, бироздан сўнг, Конституциямизнинг 32 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир бошланади, фидойи ўқитувчи ва ўқувчиларимиз саҳналаштирган кечага гувоҳ бўлинг, – дея бизга лутф этади мактаб директори Шодиёр Нормуродов. – Фидойи ўқитувчимиз Наргиз Рўзибоева саҳналаштирган бу томошани кўриб ҳам жамоамиз меҳнатига баҳо берасиз, ҳам болаликка қайтасиз.

Шинам ва ёруғ йўлаклардан ўтиб тадбирлар залига буриламиз. Мактаб формасида бир хил кийинган ўқувчиларнинг катталарга йўл бериб, қўлларини кўксига қўйиб одоб билан салом беришлари бизни олис, беғубор даврга қайтаради. Уларнинг кўзларидаги умид, ишонч ва илмга чанқоқликни кўриб қалбимиз таскин топади, эртамиз ишончли ва ғайратли авлод қўлларида эканига иқрор бўламиз.

Тантаналар зали янада байрамона шукуҳда. Таълим даргоҳи директори Шодиёр Нормуродов барчани бахтимиз, эркинлигимиз, ҳуқуқларимиз асоси бўлган Асосий қонунимиз қабул қилинган кун билан табриклар экан, шундай деди: "Барчангизнинг мана шундай замонавий таълим даргоҳларида бепул таҳсил олишингиз, аввало, Конституциямиз шарофатидандир. Шундай экан, ҳуқуқларимиз кафолатлаб қўйилган кунни юқори кайфиятда ўтказиш ва бош дастурнинг барча бандини ўқиб, тушуниб, англаш бизнинг бурчимиздир. Қолаверса, ҳуқуқини билган инсон бу ҳаётда қоқилмайди, муаммолар гирдобида қолмайди".

Шундан сўнг, давлатимиз мадҳияси янгради. Барча ўрнидан туриб, қўлларини кўксига қўйганча унга жўр бўлишди. Она Ватан, юрт мадҳига аталган куй-қўшиқ, шеърлар, рақслар, турли миллат ва элатларнинг либослари намойиши, спорт баҳслари, скрипка ижроси, кўргазмалар, хуллас ҳеч бир чиқиш томошабин эътиборини жалб этмай қўймади.

– Энг муҳими, ўқувчилар мана шу айём, унга тайёргарлик ва ижролари туфайли Қомусимиз ҳақида етарлича билим ва тасаввурга эга бўлишди, ҳар бир моддани ёддан айтиб беришди, – деди тадбирни ташкиллаштирган Халқ таълими аълочиси, олий тоифали тарбия фани ўқитувчиси Наргиз Рўзибоева. – Аслида бундай тадбирлардан асосий мақсад шу, бир мавзу бўйича ўзлаштирган илмларни янада чуқурлаштиришдир.

– Юртимизда ўқитувчининг қадр-қиммати ҳар қачонгидан юксалмоқда, меҳнати қадрланмоқда, – дейди мактабнинг 4[a]-синф раҳбари, биринчи тоифали ўқитувчи Холисхон Жалилова. – Янгиланган Конституциямизда ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Ўз навбатида биз педагоглар ҳам бундай имконият ва шароитлардан унумли фойдаланишимиз, ўғил-қизларимизни тафаккури баланд, шу Ватанга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз даркор.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O'ZLIDEP IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

XXI asr

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Сирожиддин САЙИИД, Дилшод ШОУМАРОВ, Равшан МАМУТОВ, Нодир ЖУМАЕВ, Мадина БАРОТОВА, Шуҳрат АСЛОНОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73[A]-уй.

электрон почта: xxi_asr@umail.uz, xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1245
Адади: 4330
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 18:50

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: **Маъруфжон Раҳмонов**

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: **Абдулла ЧИМИРЗАЕВ**